

## **Иқтидорли талабалар билан ишлаш**

ТошДШИда иқтидорли талабаларни илмий фаолиятга тизимли равишда кенг жалб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, иқтидорли талабалар ичидан 1-курсни аъло баҳоларга тугатаётган бакалаврлар қобилиятига қараб синаб кўрилгач, 2-курсдан бошлаб, кафедра ва факультет тавсиялари асосида танлаб олинади ва уларга раҳбарлар ҳамда илмий мавзулар факультет илмий кенгашлари қарорлари асосида расмийлаштирилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 29 октябрдаги 10/3-сонли Ҳайъат қарори ижроси доирасида ТошДШИда иқтидорли талабаларни танлаш, уларнинг захирасини шакллантириш, ахборот тизими ва маълумотлар базасини яратиш ҳамда мониторингини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилган. Барча 1-2-босқич талабалари билан учрашувлар ўтказилиб, номдор стипендиялар, уларга тавсия қилиниш шартлари, республика фан олимпиадаларида қатнашиш, шунингдек, институтда иқтидорли талабалар учун яратилган шарт-шароитлар бўйича маълумотлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танловига номзодларни тайёрлашда уларни Ўзбекистон тарихи, чет тили ва информатика фанларидан ўқитиш сифатини янада ошириш мақсадида етук педагоглар бириктирилди.

Талабалар ва ёш олимларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилмоқда:

- Кафедраларда ихтисосликлар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш;
- Курс ишлари, малакавий битирув ишлари;
- Ёш олимлар илмий жамияти, талабалар илмий жамияти, тўғараклар, клублар, ижодий гуруҳлар;
- Семинарлар, конференция, танловлар ва олимпиадалар орқали.

Факультетларда ҳар йили талабалар илмий конференциялари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида мутахассислик, ўқув фанлари бўйича Республика талабалар фан олимпиадаларини ва ҳар ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлат стипендияларига танловларнинг биринчи босқичини уюшқоқлик ўтказилиб келинмоқда. Талабаларнинг илмий мақолаларидан иборат “Камолот сари” тўпламини чоп этиб келинмоқда. Шунингдек, 2017 йилдан бошлаб ҳар йили институтда “Ёш шарқшунослар форуми” ини ўтказиш ҳамда форум материалларини илмий тўплам шаклида нашр қилиш йўлга қўйилди.

**2017 йил давомида Иқтидорли талабалар маркази томонидан қуйидаги илмий фаолият олиб борилди:**

2017-2018 ўқув йили учун институтнинг факультет ҳамда кафедраларида иқтидорли талабаларга масъул шахсларнинг фаоллиги янада оширилди, уларнинг ҳар ойда ҳисобот беришлари таъминланди, иқтидорли талабалар рўйхати янгиланди, иқтидорли талабалар илмий мавзулари тасдиқланди, илмий тўғараклар раҳбарлари ва тўғаракларга жавобгар шахслар масъулияти оширилди, илмий тўғаракларнинг йиллик режалари тасдиқланди. Ҳар бир кафедрада иқтидорли талабалар билан шуғулланувчи шахсларга 1-курсдан талаба иқтидорини аниқлаш, уни етук профессор-ўқитувчиларга бириктириш, иқтидорини намоён этишга имкон бериш ва ҳар томонлама кўмаклашиш, уни катта илмий ходим изланувчилик институти босқичигача бўлган жараёнда босқичма-босқич илмий салоҳиятини шакллантириб бориш вазифаси юклатилди.

Институт кафедраларида дастур асосида сараланган иқтидорли талабалар илмий анжуманлари бўлиб ўтди. Факультетларда иқтидорли талабалар илмий анжуманининг 1-2-босқичлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Шунингдек, иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг мақолалари жамланган “Ёш шарқшунослар I форуми” материаллари ҳамда “Камолот сари” номли илмий тўпламнинг 15-сони чоп этилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари ҳамда Давлат стипендияларига номзодларни саралаш** жараёнини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-рақамли “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида Низом” ва “Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида Низом” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-5069-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 10 июндаги 87-02-1969-сонли хати ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 2017 йил 9 июндаги 01-310-сонли буйруғига мувофиқ 2017 йил 22 июнь куни номзодларни Информацион технологиялар, Ўзбекистон тарихи, Чет тили фанлари бўйича саралашнинг 1-босқичининг 1-тури – тест, 2017 йил 24 июнь куни 2-тури – суҳбат ўтказилди. 1-босқич натижаларига кўра 2017-2018 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, Ислом Каримов ва Навоий номли Давлат стипендияларига қуйидагилар номзод деб ҳисобланди:

1. Махатов Сирожиддин (Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига номзод, 2-курс магистранти)
2. Махмасобирова Нигора (Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига номзод, 2-курс магистранти)
3. Каримджанова Гавҳарихушноз (Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига номзод, 2-курс магистранти)
4. Юсуфжонова Мадинабону (Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига номзод, 2-курс магистранти)
5. Ортиқов Омодебек (Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига номзод, 4-курс талабаси)

6. Ниязалиев Жасур (Ислом Каримов номли Давлат стипендиясига номзод, 4-курс талабаси)

7. Низомиддинова Мадина (Навоий номли Давлат стипендиясига номзод, 4-курс талабаси)

Биринчи босқич танлови ҳақидаги ҳисобот ва иккинчи босқичда иштирок этувчи номзодларнинг ҳужжатлари низомларда белгиланган муддатларда вазирликнинг Олий таълим муассасалари бош бошқармасига топширилди.

2017-2018 ўқув йилида Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида 2-курс магистранти Махмасобирова Нигора **Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори**, 4-курс талабаси Ниязалиев Жасур **Ислом Каримов номли Давлат стипендияси** соҳиби ҳамда Низомиддинова Мадина **Навоий номли Давлат стипендияси** соҳибаси бўлдилар.

Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаларининг Республика фан олимпиадаси I-босқичи 2017 йил 6 апрелдан 13 апрелгача бўлган муддатда факультетларда ўтказилди ва уни ўтказиш учун белгиланган тартибда ташкилий қўмита ва профессор-ўқитувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилди. Институтнинг барча факультетларидаги ҳакамлар ҳайъати ректор буйруғига асосан тасдиқланди. (Буйруқ №01-129, 25.03.2017). Йўналишлар бўйича талабаларнинг Республика фан олимпиадаси I босқичини ўтказиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Олимпиаданинг ўтказиш тартиби факультетлар Илмий кенгашларида муҳокама қилинди. Олимпиаданинг I босқичини ўтказишда қўлланиладиган тест, иншо, ижодий иш ва топшириқлар факультетлардаги ҳакамлар ҳайъати томонидан тузилди.

Талабаларнинг Республика фан олимпиадаси I босқичида **16 та фан** йўналиши бўйича **136 нафар** талаба: йигитлар **89 нафар**, қизлар **47 нафар** иштирок этди. Ҳар бир фан йўналиши бўйича ғолиблар аниқланди.

Республика фан олимпиадаси II босқичида институтнинг 15 нафар иқтидорли талабаси иштирок этиб, улардан 1 нафари – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультетининг 4-курс талабаси

Матназаров Умид “Ўзбекистон иқтисодиёти” фанидан фахрли 1-ўринни қўлга киритди. “Талабалар Республика фан олимпиадаси Низоми”нинг 41-43-бандларига асосан биринчи ўринни эгаллаган талаба, унинг илмий раҳбари ва масъул котиб пул мукофоти билан Институт ҳисобидан моддий рағбатлантирилди (Буйруқ № 01-325, 20.06.2017).

ТДШИ ректорининг 2017 йил 24 мартдаги 01-122-сонли “2017 йилда Олий таълим муассасалари талабаларининг республика фан олимпиадасини ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги” буйруғига биноан 2017 йил 15-16 май кунлари Тошкент давлат шарқшунослик институтида “Ўзбекистон иқтисодиёти” умумқасбий фани бўйича республика талабалар олимпиадасининг II босқичи белгиланган дастур асосида Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети биносида ўтказилди. Олимпиада якунларига кўра, Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Матназаров Умид фахрли 1-ўринни, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти талабаси Эгамов Хуршиджон фахрли 2-ўринни ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Махмудов Мавлонбек фахрли 3-ўринни эгаллади. Ташкилий масалалар ва ғолибларни тақдирлаш учун институт ҳисобидан маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ 2854-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 мартдаги 175-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Миллатимиз ифтихори” мавзусидаги мақолалар танловини ўтказиш мақсадида 2017 йилнинг 18 сентябрь куни институт ректорининг 01-504-сонли буйруғи чиқарилди. Унга кўра, **“Миллатимиз ифтихори” мавзусидаги мақолалар танлови** танлов Низоми талаблари асосида белгиланган муддатларда ўтказилди, танловнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилинди ва институт сайтида танлов бўйича эълон берилди. “Миллатимиз ифтихори” мавзусидаги мақолалар танловининг

факультет босқичи жорий йилнинг 1-10 октябрь оралиғида юқори савияда ташкил этилди. Танловнинг биринчи (факультет) босқичида институтнинг 4 та факультети деканатларига ўзбек, рус ва инглиз тилида ёзилган 226 дан ортиқ мақолалар тақдим этилди. Танловнинг иккинчи якуний босқичи институт ректорининг 01-504-сонли буйруғига кўра 2017 йилнинг 28 октябрь куни ўтказилди, ҳакамлар ҳайъати аъзолари қарори асосида **1-ўринни** ЖСТФ факультети 2-курс талабаси Кенжаев Амирбек Алижон ўғли, Шарқ филологияси факультети 2-курс талабаси Орипова Лайло Ахтам қизи, **2-ўринни** Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети 1-курс талабаси Мамасоатов Элёр, Шарқ филологияси факультети 1-курс талабаси Бурхонова Зарина Рахматулло қизи, Шарқ филологияси факультети 1-курс талабаси Имомов Миркомил Мирзохит ўғли ҳамда **3-ўринни** Шарқ филологияси факультети 2-курс талабаси Акбаров Акбарали Умархон ўғли, Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультети 1-курс талабаси Рўзибоев Курбонмурод Комил ўғли, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети, 1-курс талабаси Камолов Шохрух қўлга киритдилар. Голиб талабалар ҳамда институт босқичида фаол иштирок этган барча талабалар ТошДШИ Кенгашида махсус фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, талабалар илмий жамиятлари ва кафедраларда ташкил этилган талабалар тўғаракларида кўплаб учрашувлар, суҳбатлар ва машғулотлар ўтказилди.

Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ТошДШИ да талабаларнинг илмий салоҳиятни янада ривожлантириш ва самарадорлини оширишга хизмат қилмоқда.